2009-yil 24-fevral № 23 (2592) seshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Осонликча келмас, шодлик фароғат,
Меҳнатсиз қозонмас ҳеч киши шуҳрат.

Фахриддин ГУРГОНИЙ

■ Ўрганиб ўргатамиз

Тажриба алмашув

Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамиятида республикамиздаги мавжуд 30 га яқин қурилиш ташкилотларининг бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари иштирокидаги ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда МКнинг ташкилий ишлари бўйича бош мутахассиси Л. Литвинова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар, шунингдек, ҳисобот-сайловларга пухта тайёргарлик кўриш, касаба уюшмасига аъзоликнинг афзаллигини асослаш масалалари юзасидан маъруза қилди.

Ўқув-семинарда «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамиятининг касаба уюшма қўмитаси раиси Озод Хушназаровнинг иш тажрибаси оммалаштирилди. Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

■ «Ishonch»га жавоб берадилар

«Буйруғинг қани?»

2009 йил 20-январ, 8-сон

Мақолада баён этилган муаммо ва камчиликлар ўрганилиб, уларни бартараф этиш мақсадида 2009 йил 3 февралда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги 22-сонли буйруғи қабул қилинди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ахборот-ресурс марказларида мавжуд камчиликларни тузатиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар режаси мазкур буйруққа асосан тасдиқланиб, ҳудудларга етказилди.

Шунингдек, Кокайди транспорт ва алоқа, Термиз педагогика, тиббиёт, Шўрчи енгил саноат касб-ҳунар коллежлари раҳбарларига ахборот-ресурс марказларини назорат қилишга масъулиятсизлик билан ёндошганлиги учун интизомий жазо чоралари қўлланилди.

З.САТТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори

■ Тадбир

Асосий мақсад - ногиронлар ҳимояси

Яқинда Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар Миллий ассоциацияси VNDP - ACCESS - ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга янги иш жойларини яратиш лойиҳаси асосида «Ўзбекистон Республикасида имконияти чекланган аёлларни лидерлик салоҳиятини ошириш ҳамда уларнинг жамиятга фаоллаштириш» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда ногиронликнинг ижтимоий модели, уларни меҳнатга жалб қилиш ва бунинг учун шарт-шароит яратиб бериш, шунингдек, давлат ҳокимият органлари эътиборларини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

— Ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича Ўзбекистонда кўплаб ишлар қилинаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз, — дейди World vision ташкилоти менежери Кумико Тонако. — Уларнинг ўз имкониятларини янада кенгайтириш ва иштеъдодларини намоён қилишлари учун атрофдагиларнинг ёрдами жуда муҳим. Фаол ишловчи гуруҳлар сони ва имтиёзлар кўпайса, нур устига нур бўларди. Уларнинг ўз-ўзини бошқариши, бировга боқиманда бўлиб қолмаслигига етарли шароит яратиш лозим.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

■ Касаба уюшмасига раҳмат!

Яхшилик ерда қолмайди

1984 йили Намангандаги химия заводига ишга киргандим. 1995 йилда касб касаллигига чалинганлигим туфайли завод томонидан зарар пули тўланиши белгиланди ва 2007 йилга қадар бу нафақани тўлиқ олдим. 2008 йилда завод банкротга учрагани сабабли зарар пулини тўлашдан бош тортди.

Собиқ «Карбонал» АЖни тугатиш комиссияси раисига учрадим, сизларга зарар тўловини тўлаш ҳақидаги ҳужжатлар йўқ, ижтимоий таъминот бўлими архивига топширганмиз, деди. Ижтимоий таъминот бўлимидагилар эса ҳужжат йўқлигини айтишди. Кейин вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилдим. Бу ерда ҳуқуқшунос Бекмирза Тўрабоев аризам асосида ТМЭК ва архивдан керакли ҳужжатларни қайтадан йиғиб, ижтимоий таъминот бўлимига топширди. Наманган шаҳар ижтимоий таъминот бўлимидан менга 2008 йил 1 январдан 31 декабргача тўланиши лозим бўлган нафақа ундириб берилди. 2009 йил 1 январдан ойига 134.000 сўмдан нафақа оладиган бўлдим.

Бизнинг заводда ишлаб бахтсиз ҳодиса туфайли чап қўлидан айрилган Абдулло Халилов ҳам 2009 йилдан бошлаб нафақани Наманган шаҳар ижтимоий таъминот бўлимидан оладиган бўлди.

Бизга кўрсатган беминнат ёрдами учун касаба уюшмаси фаолларига миннатдорчилик билдирамиз.

Комилжон ҲАМИДОВ,
2-гуруҳ ногирони

Тараққиёт ва фаровонлик манзаралари

2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш — устувор вазифа бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ

Янги иш ўринлари

Хонобод шаҳридаги «Тарандубител» корхонаси жорий йилда яна қайтадан иш бошлади. Натижада хонободлик ўнлаб ёшлар муқим иш ўринларига эга бўлишди.

Вазирлар Маҳкамасининг маҳаллийлаштириш дастурига киритилгач, корхонага янги инвесторлар ва технологиялар жорий этилди. Россиялик ишбилармонлар иштирокида вужудга келган «Инком-Тарандубител» шўъба корхонасида ҳозирда юздан ортиқ тикувчи хотин-қизлар меҳнат қилаётир. Цехда 60 га яқин тикув дастгоҳларида трикотаж маҳсулотлари, болалар кийим-кечаги, махсус ишчи кийимлари тайёрланиб, сотувга чиқарилмоқда.

Корхона маъмуриятининг асосий эътибори ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, хом-ашё таъминотини пухта йўлга қўйишга қаратилган. Бу ерда саноат учун муҳим хом-ашё ошловчи модда ишлаб чиқаришга ҳам киришилди. Экстракт маҳсулотлар нефт-газ тизими корхоналарига етказиб берилмоқда. Яқин келажакда «Инком-Тарандубител» маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш йўлга қўйилади.

* * *

Олмазор маҳалласида яшовчи Гавҳар Тўхлиева қишлоқнинг қўлигул чеварларидан саналарди.

У малакасини янада ошириш учун пойтахтдаги «Машҳура» ўқув марказида таҳсил олиб қайтди ва ўз уйида тикув цехи очиб, чеварликка ҳавасманд беш нафар қизга ҳунар ўргатди. Натижа чакки бўлаётгани йўқ. Шаҳзода Носирова, Холида Розиқова, Фотима Ғойибовалар тикаётган либослар маҳалладагина эмас, балки Боёвут туманида кўпчиликнинг эътиборини тортаётир.

* * *

Бухоро туманидаги Ҳавола Маҳмуд қишлоқ фуқаролар йиғинида маҳаллий тадбиркорлар ва Москва шаҳридаги «Текстил» МЧЖ ўртасидаги ҳамкорлик самараси сифатида 30 та янги иш ўрни яратилди. Ҳавола қишлоғида «Ростексстрой» қўшма корхонаси ишлай бошлади.

— Аввалларо «Бухоротекс»да ишлагандим, — дейди корхона ишчиси М.Ҳакимова. — Корхона инқирозга учрагач, анчадан бери бекор қолгандим. Қишлоғимизга яқин ишхона менга жуда қулай бўлди. Унумли ишлаш учун барча шароит мавжуд. Ойлик маошларни вақтида олиб турибмиз.

Дастлабки ойда бу ерда 35 мингга яқин сочиқ ишлаб чиқарилди. Келгусида иш ўринларини янада кенгайтириш, маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

* * *

Самарқанд шаҳри аҳолисига яна бир имконият яратилди. Шаҳарнинг Д.Эшбеков номли кўчасида кўптармоқли хусусий шифохона иш бошлади.

Олий тоифали шифокор И.Исмоилов саъй-ҳаракати боис янги шифохона замонавий жиҳозланди. Беморлар дардига шифо беришга малакали врачлар жалб этилган.

Ўз мухбирларимиз

■ Депутат билан суҳбат

Жамият. Меҳнат. Аёл.

Жавондаги китобларнинг хилма-хиллиги эгасининг табиатидан сўзлайди. Франция, Италия каби бир қатор хорижий давлатлар конституцияси, миллий қонунлар... Бу ерда тарихий, этнографик, айниқса, кўнгилдан сув ичган сатрларла безанган тўпламларни топа оласиз. Самимий шеърлари билан адабиёт ихлосмандлари эътиборини қозониш баробарида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси сифатида фаолият юритаётган Шарифа САЛИМОВА билан суҳбатимиз меҳнат тушунчаси ва унга доир ҳуқуқий муносабатлар хусусида бўлди.

— Миллий қонунчилигимизда меҳнатга оид муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинган, деб ўйлайсизми? Сизнингча, бу соҳада қонунчиликнинг қайси жиҳатларини такомиллаштириш лозим?

— Аввало меҳнат тушунчасига эътиборни қаратайлик. Аслида узоқ тарих, инсоният босиб ўтган ва ўтаётган йўл меҳнат йўлидир. Миср эҳромларидан тортиб, Ҳиндистондаги Тож Маҳалгача, Самарқанду Бухорининг улуғвор, нақшинкор архитектура ансанблларигача бари бу инсон меҳнати, унинг қўллари яратган мўъжизалардир. Истиқлол йилларида миллий қонунчилигимизга мустаҳкам пойдевор қўйилди. Инсон меҳнатга бошқача кўз билан қарай бошлади, мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар мулк шаклларининг хилма-хиллигини вужудга келтирди, меҳнат ёлланадиган, ишчи кучи эса товарга айланиб, шўролар давридаги ягона мулкдор тушунчаси барҳам топди. Мамлакатимиз Бош Қомусининг 37-моддасида: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир», деб мустаҳкамлаб қўйилган. Шахснинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари сирасига кирадиган меҳнат ҳуқуқи яна қатор бошқа қонунларимиз, кодексларимиз: масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Ер кодекси, Солиқ кодекси, Уй-жой кодекси, Фуқаролик кодекслари ва бошқа қатор қонунларимизда ўз ифодасини топган.

Қонунчиликнинг такомиллаштирилиши масаласига келсак, табиийки замон ва макон, табиат ва жамият муносабати ҳамда талабларидан келиб чиққан ҳолда улар ҳам такомиллашиб бораверади. Қонунчилик такомили бир жойда қотиб қолган ҳаракатсиз жараён эмас.

Масалан, меҳнат ресурслари ва меҳнат потенциали тушунчаларига эътиборни қаратадиган бўлсак, унда инсон ресурслари деган тушунча бор. Инсон фақат моддий неъматлар яратиб қолмай, балки уларни истеъмол қилади. Меҳнат соҳасида ўзларининг муҳим эҳтиёжларини амалга оширади, лекин инсоннинг табиати ва унинг талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳар доим ҳам ҳамма эҳтиёжлар рўёбга чиқавермайди. Мана шу тушунча моҳиятидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда бутун дунёда иқтисодиётни инсонпарварлаштириш деган ғоя кўпроқ тарқалиб бораётганини кузатамиз. Биз фикр юритаётган меҳнат тушунчаси, меҳнат потенциали эса инсон потенциалининг бир қисмигинасидир.

(Давоми 2-бетда)

■ Касабақўмдан репортажлар

«Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат ҳам бўлмайди». Юртбошимизнинг ушбу сўзлари Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси фаолияти учун дастурламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтган йиғилиш ҳам Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорининг ижросига бағишланди. Анжуманда бошланғич ташкилотлар етакчилари, таълим муассасалари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Кудратли куч

— Касаба уюшмалари, — дейди Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг маданий-маърифий, спорт ишлари бўйича бош мутахассиси Маҳмудахон Мурзаева, - меҳнаткашларнинг билимларини оширишга, улар қалбида ўз ватани билан фахрланиш туйғусини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Сирдарё вилояти таълим ва фан муассасаларида бу борада ибратли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар вилоятда фаолият кўрсатаётган 379 та бошланғич касаба уюшма ташкилотида, 45 та колледж-лицейда, 333 та мактаб ва боғчада изчиллик билан олиб борилмоқда.

Айни кунда вилоятдаги таълим муассасаларида «Миллий истиқлол ғояси», «Миллий қадриятлар» каби тўгараклар фаолият кўрсатаяпти. Ўтган йили коллеж ва лицейларда педагог ходимлар ва талабалар иштирокида «Миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик — тараққиёт кафолати», «Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги — ҳаётимиз шиори ва мазмуни» мавзуларида 176 та тадбир ташкил қилинди.

Ҳаракатлар зое кетмади. Гулистон педагогика коллежининг тасвирий санъат фани ўқитувчиси Зафар Мусулмонқулов 2008 йили республика миқёсида ўтказилган «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» танловида «Энг ёш маънавият тарғиботчиси» номинациясида ғолиб чиқди.

(Давоми 2-бетда)

«Инсонга наф келтириш - олий бахт» танловига

ИШОНЧ БОРКИ - ТАЯНЧ БОР!



Айрим инсонларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлсанг, вақтнинг қандай ўтганини билмайсан. Шофиркон тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Аҳмад Остонов ана шундай одамохун етакчилардан. Унинг пурмаъно суҳбати ёрдам сўраб келган беморларга дарддан фориғ этгандек енгил кайфият бахш этади.

— Ҳар бир одам алоҳида бир олам, — дейди қаҳрамонимиз. — Уларнинг кўнглига йўл топиш керак. Шундагина мақсадга эришиш мумкин. Касаба уюшма етакчиси эса жамоанинг виждони.

Қуш уясида кўрганини қилади. Аҳмад Остоновдаги фазилатлар оилада камол топди. Қолаверса, унинг дунёқараши, одамлар билан тил топиб кета олиши Самарқанд давлат тиббиёт институтида ўқиган йиллари такомиллашди.

У устозларининг «Болаларсиз инсонда келажакка умид бўлмайди, мудом уларни асраш, меҳр кўрсатиш, зарур бўлганда саломатлигини муҳофаза қилиш керак» деган ўгитларини қалбида бир умр сақлаб келмоқда.

Фаолиятини 1983 йили болалар шифокорлигидан бошлаган Аҳмад тинимсиз изланди, билим ва маҳоратини оширишдан эринмади. Шундан бўлса керак, 25 йилдан бери эл ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда.

(Давоми 3-бетда)

■ Депутат билан суҳбат

Жамият. Меҳнат. Аёл.

(Боши 1-бетда)

Шу ерда сизга бир мисол келтираман. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1992 йил 13 январда қабул қилинган бўлиб, унга кейинчалик баъзи бир ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилди, ушбу Қонунда аҳолининг иш билан бандлигининг асосий принциплари белгилаб берилиб, меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Баъзан менга иш керак деб мурожаат қилувчиларни иш билан бандликка кўмаклашувчи марказга йўналтирсангиз, у ерда таклиф қилинган ишда ишлашдан бош тортган ҳолатларига ҳам дуч келамиз. Ёки аксинча, бир парча ташландиқ ер бўлса ҳам жаннатга айлантириб ўтирганлар озми. Қонун тилида иш билан банд аҳоли — бу ижтимоий ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатиб турган меҳнат ресурсларининг фаол қисми бўлиб, бу ҳақда ҳалқаро Меҳнат Ташкилотининг бандлик таърифида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Ёки меҳнат миграцияси масаласини олиб кўрайлик. Бир неча йил аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан тузилган депутатлар ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида бўлиб, қўмитанинг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ташқи меҳнат миграциясига оид нормаларини ижро этилиши ҳақида»ги 2005 йил 19 майдаги қарорининг мутасадди давлат органлар томонидан ижро этилишини ўрганиб чиққанида, вазирлик томонидан 2005-2007 йиллар давомида иккита ҳалқаро битим имзоланганлигининг гувоҳи бўлинди. Шунингдек, вазирлик билан Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида «Эркин ёллаш» тизими бўйича Тушуниш Меморандуми ҳам имзоланган бўлиб, бу ҳар бир шахсга меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги принципларидан келиб чиққан ҳолда танлаш имкониятини беради. «Аҳоли миграцияси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида қўмитамиз аъзолари ишлашни давом эттирмоқдалар. Бу албатта қонунчиликни такомиллаштириш йўлидаги доимий фаолиятимизнинг яна бир ижҳати.. Бироқ айрим ҳолларда чет элларга ноқонуний йўл билан чиқиб, мўмай даромад топмоқ илинжида юрган ва муаммоларга дуч келаётган шахсларнинг тақдири ҳар бир соғлом фикрловчи инсонни ўйлатади. Уларнинг баъзилари ўзи билмаган ҳолда ёки билган ҳолда бутун дунёга ўргимчак каби ўз тўрини ташлаб турган одам савдосининг қурбонларига айланиб қолмоқда. Шу маънода 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, қонуннинг 15-моддасига мувофиқ «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади».

— Берилган имкониятни тўла англаб етмаган фуқаро хорижга ишлаш учун йўл олди. Унинг муайян ҳуқуқлари топталганда...

— Ҳуқуқлари қачон топталади? Аввало, мавжуд қонунларга бўйсунмай четга чиққанда. Аслида билган одамга бегона юртларда ҳуқуқининг поймол бўлиши учун бу биринчи қадам. Ҳуқуқини англаб етмаган киши ўзини қандай ҳимоя қила олади? Олдига қонунлар мажмуасини йиғиб қўйганингиз билан, унинг ўзида хоҳиш бўлмаса, бу қийин масала. Бу борада мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ўстиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Четга ишлаш учун кетаётганларнинг аксарияти яширинча ҳаракат қилади. Шуни унутмайлиқки, ҳар қандай яширин нарса албатта ошкор бўлади. Доно халқимиз «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади» деб бежиз айтмаган. Масаланинг оғриқли жиҳати шундаки, бу «иситма»дан бошқалар ҳам жабр кўради.

Баъзилар ўта содда, ишонувчан. Бунинг оқибатида фожиага тўқнаш келаётганлар қанча. Бундайларнинг аянчли тақдири ҳақида ҳар куни телевизорда кўрсатишмоқда, газета-журналларда тинимсиз ёзишаяпти. Ўйламай қилинган иш туфайли умри қийноқлар, изтироблар ичида ўтаётганларни кўрганда беихтиёр ачиниб кетасан киши. Уларнинг баъзилари билан гаплашганда, табиатида енгил ҳаётга мойилликни сезиб қоласиз.

Буларнинг барчасига айрим кимсаларнинг маънавий маҳдудлиги, меҳнат муносабатлари, у билан боғлиқ ҳуқуқларни англаб етмаганлиги сабаб эканлигини кўрамиз. Бу муносабатларни тартибга солишга киришар эканмиз, биринчи навбатда меҳнатга бўлган ёндашувни ўзгартиришимиз керак.

Халқимизнинг ўтган кунига назар ташлайдиган бўлсак, боболаримиз шу ерда кетмон чопиб, ариқ қазиб, ерини обод қилиб, шунинг орқасидан ризқини териб еган. Қандай қийинчилик билан юзма-юз бўлмасин, она Ватанни ҳар қандай бойликка алмашмаган. Ҳатто, қатағонга учраб, узоқ йиллар ўзга юртда яшашга маҳкум бўлганлар ҳам шу тупроққа қайтиб келишга интилишган.

Бугунги кунда дунё иқтисодий бўҳрон ҳақида жар солаётганида, ҳатто ривожланган мамлакатлар ўз муаммосига чора топишга ожизлик қилиб турган пайтда давлатимиз бу бўҳроннинг бизга тегмай ўтиши учун керакли тадбирларни қўлламоқда. Биз бировлардан қарз олиб, нон еб ўтирганимиз йўқ.

Меҳнат кодексига назар ташлайдиган бўлсак, меҳнатга оид муносабатлар, меҳнат шартномаси, ходимлар вакиллик органларининг ҳуқуқлари, иш берувчининг ходимларинг вакиллик органлари олдидаги мажбуриятлари, жамоа шартномалари ва келишувлари тузиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловлар ҳамда компенсация тўловлари каби ҳуқуқий муносабатлар ўз аксини топган. Мазкур ҳужжатнинг XIV боби «Айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча кафолат ва имтиёзлар» деб номланиб, унинг биринчи параграфида аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча кафолатлар хусусида сўз юритилади. Бу катта имконият дегани, аслида.

Яқинда бир аёл менга мурожаат қилди. У аввал ўзи ишлаб турган жамоаси учун керакли ходим бўлган. Бироқ оила қуриб, ҳомиладор бўлганида (ҳали меҳнат шартномаси муддати тугамасдан туриб) иш берувчи уни ноқонуний равишда бўшатишга ҳаракат қилган. Ходим бу жой уйимдек бўлиб қолган, менга ишлаш учун имкон беринглар, дея илтимос қилган. Бироқ уни эшитишни ҳам хоҳлашмаган, фақат ишдан кетишини талаб қилишган. Бундай ҳолат бизнинг меҳнат қонунларимизга мутлақо зид. У ҳомиладорлиги ҳақидаги керакли ҳужжатларни тақдим қилганда ҳам эътибор беришмаган. Бу иш билан қаттиқроқ шуғулланишга тўғри келди. Натижада суд орқали унинг қонуний ҳуқуқи тикланди. Бундай мисолларни яна учратиш мумкин. Кимдир бунга ўхшаш ҳолатда ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш учун курашади, кимдир эса қўл силтаб кетаверади.

Меҳнат қонунларини такомиллаштириш, ислоҳ қилиш вақт талаби билан кечадиган жараёндир. Қонуннинг қабул қилиниши эллик фоиз иш бажарилди дегани, қолган ярми унинг ижроси билан боғлиқ. Бу жараён ўтмишдан ўрганилар экан, қаерини такомиллаштириш, қайси қисмини чиқариб ташлаш ҳақида таклифлар ишлаб чиқилади.

— Бу жараёнда дунё тажрибасидан ҳам фойдаланиладими?

— Албатта. Бундай қонун қайси давлатларда қабул қилинган, ижроси қандай бўлмоқда? Қайси давлатларда қабул қилинган ёки қилинмаган? Нима учун? Буларнинг ҳаммаси синчиклаб ўрганиб чиқилгандан сўнг янги қонун лойиҳаси тайёрланади. Бу мураккаб жараён. Ҳар бир депутат ўз нуқтаи назарини билдиради. Биринчи ўқишда лойиҳага концептуал жиҳатдан ёндашиладиган бўлса, иккинчи ўқишда моддама-модда ўқилиб, таҳлил қилинади. Учинчи ўқишда жиддий эътирозлар бўлмаса у Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида депутатлар томонидан қабул қилинади. Профессионал парламентда шу тариқа иш олиб борилади.

— Аёлнинг жамиятдаги ўрни ҳақида мулоҳазаларингиз...

— Конституциямизда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги кафолатланган. Муқаддас китобимиз — Қуръони Каримда ҳам улар бир-биридан ажратиб даражаланмайди.

Аёлнинг жамият олдида жуда катта вазифаси, масъулияти бор. Уни оналик деймизми, фарзандлик ёки сингилликми. Унинг яна бир вазифаси бор: оила қўрғонини мустаҳкам сақлаш. Қадимдан ҳозиргача давом этаётган муқаддас бурчи - фарзанд тарбиясига масъуллик. Аёл бўлмаса, уйлар зулмат бўлиб кетади. Шунинг учун ҳам аёлни уйнинг шамчироғи дейишади. Шу шамчироқ бир кун ёнмай қолса нима бўлади?

Мен ҳам тўрт фарзанднинг онасиман, невараларим бор, буни жуда яхши биламан. Фарзандларим учун ширин-ширин таомлар тайёрлаб беришни ўзим учун катта байрам деб қабул қиламан. Ўша овқат охиригача ейилса, хурсанд бўламан. Аёл ўзини бахтли ҳис қилишидаги муҳим бир омил — мана шу аслида. Болаларингизни тарбиялаш, уларга нималарнидир ўргатиш, қош-кўзига қараб ўтириш — бундай ҳайратни мен ҳеч қайси дунёга алишмайман. Бу бизга Аллоҳ таоло берган улкан бахт.

Мен Паркентда ўсганман. Унинг ўзига хос гўзал табиати, тарихи, меҳнаткаш халқи бор. Болалигимни эсласам... Мен кенжа фарзанд эдим. Бизнинг ота-оналаримиз 1930-йилларнинг қаҳатчилигини бошдан кечирган авлод бўлган. Ҳар бир нарсанинг қадри жуда юқори қўйиларди. Ўша вақтларда даладан бошоқ теріб, қишга озиқ ғамларди, аҳоли... Ҳозиргидек электр чироқлари, табиий газ қайда дейсиз... Овқат ҳам, чой ҳам ўчоқда қайнатилар эди. Биз мана шундай шароитда ҳақиқий меҳнат нималигини билиб ўсдик. Ҳозирги юмушларни ўйнаб-кулиб бажараман. Фарзандларимга ҳам тез-тез уқтириб тураман. Қорнинг тўқ, эгнинг бут. Лекин сен ўзлигингни кўрсатиш учун нима қилаяпсан? Эртага бировнинг эшигига борганингда қўлингни гул қилиб кўрсатгувчи қандай ҳунаринг бор?..

Эркак аёлидан кўнгли тўқ бўлганидагина кўчада кўкрак кериб юра олади. Бизда қадимдан эркакни подшоҳ, аёлни эса унинг вазири деб қарашган. Бу асло нотенглик эмас, балки тенгликнинг айни ўзи. Агар подшоҳ хоҳламаса, аёлни вазир этмасди. Демак, маслаҳатгўйи сифатида унга ишонди, уни юрагининг қўри деди, муҳаббати деди, фарзандларининг онаси деди, яқини, опаси, синглиси деди... Эътибор беринг, бу туйғуларни эркакнинг қалбидан ҳеч ким суғуриб чиқаролмайди. Она дунёдан ўтганда, бақириб йиғламаса-да, ич-ичидан ёниб йиғлайди, кўзларидаги маржон-маржон ёшларини мардона енгиб, яшири-и-иб йиғлайди. Демоқчиманки, онанинг фарзанди учун чеккан заҳматларини ҳеч ким қила олмайди, унинг ўрнини ҳеч ким босолмайди.

Оилавий муносабатларда яна бир риштa борки, баъзан бу жиҳат энг оғриқ нуқтага айланиб қолади. Бу — қайнона-келин муносабатидаги нотенгликлар. Бу меҳнат муносабатларига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Яхши қайноналар ниҳоятда кўп, уларга таъзим қилиш керак. Бироқ... Одамийлик китобини чуқурроқ ўқимаганлари ҳам топилади. Улар аёлнинг қалбини ҳисобга олмай муносабатда бўлишадики, бу ҳеч қайси меъёрга тўғри келмайди. Мана шу ерда ёш навниҳол келин ўзини бахтсиз, ёлғиз ҳис қилади, кўзига ҳатто болалари ҳам кўринмайди. Оқибати эса ўзингизга маълум. Арзимаган сабаблар туфайли бузилиб кетаётган оилаларнинг уволи шундай қайноналарни ўйлантирмасмикан?

Ҳадиси Шарифда «Аёлларнинг улуғ хизматлари олдида улардаги айрим камчиликларни кечирмоқ керак» дейилади. Аёлларнинг улуғ хизматлари эса фарзандни дунёга келтирмоқ ва тарбияламоқдир. Оилада унга нисбатан «Бу менинг миллатимнинг давомчиси, авлодимни давом эттиргувчи, етти пуштимдан етмиш пуштимгача оқиб ётадиган улуғ дарёнинг бир бўлаги-ку. Нега унинг онасини эъзозламаслигим керак», деган фикр уйғонмас экан, Яратганнинг ҳузурида қалбини поклаш учун тавбасини ҳозирдан қилаверсинлар. Мана шу жиҳатларда муаммолар бор.

— Меҳнатга ҳуқуқий жиҳатдан эмас, фалсафий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак...

— Меҳнат худодан берилган илоҳий неъмат. Шу орқали биз ризқимизни териб еймиз, лукмамизни ҳалоллаймиз. Одам Ато билан Момо Ҳаво жаннатдан ҳайдалганларида бошқа-бошқа жойда бўлишган. Бир-бирларини топиш учун уч юз йил вақт кетган. Бир-бирларини топганда, ейишга ҳеч вақолари бўлмаган, дарёдан битта-битта балиқ тутиб ейишган. Қўйнинг пўстагини кундузи тўшаб ўтиришган, кечаси ёпинчиқ сифатида фойдаланишган. Меҳнатнинг илдизи қаерларга туташ эканлигини англаяпсизми? Айни шу меҳнат туфайли одамзод бошқа дунёлардан фарқ қилади. Кўнгилдан чиқариб, муҳаббат билан қилинган меҳнат ҳеч қачон одамга малол келмайди. Лекин ўз имкониятини ҳисобга олмай, «фалончи шундай яшаяпти-ю, нега мен ундаймасман» деган ҳасад билан ҳаракат қилинса, бор имконият ҳам қўлдан кетиб қолади.

Аёл жонининг ичидан жон яратади-ю, фарзандлари албатта унинг этагида ўралашади-да. Мана шу пайтда эркак унинг ёнида тоғдек таянч бўлиб туриши керак. Эркак кўчадан келса-ю, тўрадек чўзилиб ётса, кетмонларни бўғзигача ботириб ер чопмасаю, аёл ғимирлаб юрса. Ерни чопишдан то иқтисодий муаммолар ечимигача аёлнинг елкасига юклаб қўйилган бўлса, албатта унинг кўнгли оғрийди-да. Шунинг учун эркак ҳамиша ўз вазифасини бажариши, эркаклик шаънини асраб қола олиши шарт.

Бир муҳим нарса бор: биз қонунларни яхши билишимиз керак. Шу билан бирга, қалбимиздаги қонунларни ҳам унутмаслигимиз лозим: ҳалоллик, меҳнат, ўзаро ҳурмат, ҳасад қилмаслик, соғлиқни авайлаш, иймон. Мана шуларни қалбимизда бус-бутунлигича асрай олган инсон ҳеч қачон хор бўлмайди.

Мен журналистикани танлаганимда ҳар доим ёзганларим халққа маъқул тушармикан, деб ўйлардим. Бу — сўз меҳнати билан боғлиқ кўнгилдаги гаплар эди.

Аёлларимиз учун қонунларимизда кўзда тутилган имтиёзлар ҳақидаги фикримизни давом эттирадиган бўлсак, дунёнинг ҳеч қайси давлати қонунчилигида инсон манфаатлари биздагидек устувор этиб белгиланмаган. Жиноий жазолар либераллаштирилди, ўлим жазоси бекор қилинди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозимлиги айтиб ўтилади. Бу жуда катта имтиёз.

Бугунги ёшлар кечагиларга ўхшамайди. Улар ҳуқуқларини мактаб партасиданоқ яхши англаб боришмоқда. Демак, бизнинг адолатли демократик жамият қуриш йўлидаги толмас давомчиларимиз, муносиб ворисларимиз мана шу ёшлар бўлади.

— Ҳукуматимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро Конвенцияга қўшилди, ўтган йили «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борадаги мулоҳазаларингиз?..

— Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз келажаги бўлган фарзандларимиз ҳуқуқининг миллий қонунчилигимиз томонидан муҳофаза қилинишининг яна бир муҳим амалиётидир. Ушбу қонун қабул қилиниши зарурати ҳақида бир неча йиллардан бери қизғин иш олиб борилди. Бир палатали парламентда Оила ва аёллар комиссияси раиси сифатида ишлаганман. Ўша даврда ҳам бола ҳуқуқларига оид таклифлар билан чиққанмиз. Ўтган йиллар мобайнида бу соҳага доир бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Энди қилишимиз зарур бўлган асосий иш — ушбу қонуннинг аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш ва ижросини тўла таъминлаш. Қонуннинг ижросини тўлиқ таъминлаш учун, аввало, унга риоя қилиш керак. Бу асосни таъминлаш ҳар бир фуқаро зиммасидадир.

Президентимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» тўғрисидаги Фармонини олиб қарайлик. Бу ҳужжатнинг замирида ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантириш масаласи турибди. Зеро, фарзандлар соғлом бўлса, улар мамлакатнинг ҳар қандай корига ўз меҳнати билан лаббай деб жавоб бера оладилар.

«Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа патологияни барвақт аниқлаш бўйича «Она ва бола скринингги» давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди, ёш истеъдодлар учун таъсис этилган Давлат мукофотлари, умуман барча-барчаси келажагимиз ворислари камолини таъминлашга қаратилган.

Ёшларни рағбатлантириш ҳақида гапирганда, лобар қизларимизнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотига алоҳида тўхталишни жоиз деб биламан. Зеро, бу жараёнда ҳам қилинган меҳнатнинг муносиб рағбати ифодасини кўриш мумкин. Уларнинг сафи баҳор ўз сепини ёйишга чоғланиб турган яқин кунларда яна ўн тўрт нафарга ортади. Бундай имкониятларнинг ҳам замирида аслида инсон меҳнати ва унинг рағбати турибди.

«Ishonch» мухбири Дилдора РАҲМОНОВА суҳбатлашди

■ Касабақўмдан репортажлар

Қудратли куч

(Боши 1-бетда)

— Коллеж ҳамда лицейларда 16 та маънавий-маърифий йўналишдаги тўгараклар фаолият юритмоқда, — деди Сирдарё вилояти ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармасининг бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Рустам Абдусаломов. — Уларга 4 216 нафар ўқувчи жалб этилган. Айниқса, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида «Ўзбеккино» миллий агентлигининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда намойиш қилинаётган филмлар ёшларда катта таассурот қолдираяпти.

Ўтган ўқув йилида коллежларни 6790 нафар йигит-қиз битирган бўлса, улардан 88,4 фоизи ижтимоий фойдали ишга жалб этилди. Олий ўқув юртларига эса 428 нафар битирувчи ўқишга кирди.

Касаба уюшма ташкилотлари иштирокида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси тизимидаги бандликка кўмаклашувчи марказлар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари мунтазам ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Айни кунда вилоятдаги таълим муассасаларида 302 та замонавий спорт зали, 808 та спорт майдончаси, 34 та теннис корти бор. Бундан ташқари, 14 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бўлиб, улардаги 661 та секцияда 8140 нафар ўқувчи жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиб келмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил қилинган «Намунали ёшлар ётоқхонаси» танловининг вилоят босқичида Ховос темирйўл транспорти коллежи ғолибликни қўлга киритди.

«Энг намунали маънавият-маърифат хонаси» танлови ҳам ижобий натижалари билан аҳамиятлидир.

— Миллий ғоя тарғиботининг асосий йўналишлари, — дейди Республика маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими бош мутахассиси Бахтиёр Ўтанов, — янгидан ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари орқали намоён бўлиб, маънавий баркамол авлодни тарбиялашда муҳим ўрин эгаллайди. Бугунги кунда коллеж ва лицейларда 38 та, туман ва шаҳарларда 12 та ва Гулистон давлат университетида битта йирик АРМ фаолият кўрсатмоқда. Улардаги китоблар сони 168 мингдан зиёд. Шундан бадиий асарлар 152.442 тани ташкил этади.

Йиғилишда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Зайнаб Худоёрова ҳам қатнашди.

— Маънавият инсонда кундалик ҳаёт тажрибаси асосида, бадиий китобларни ўқиш жараёнида шаклланади, — деди нотиқ. — Ўтган ўқув йилида мактабларда 295 та кутубхона фаолият кўрсатди. Уларда сақланаётган нашрлар жамланмаси 559 мингдан ортади, лотин алифбосидаги китоблар сони эса 24.179 тага етказилди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, АРМлардаги китобхонлар сони 5050 нафарга, кутубхоналарда эса 117.581 тага кўпайди. Ўйлайманки, мактабларимизда таълим олаётган фарзандларимизни миллий истиқлол ғоясига садоқатли қилиб тарбиялаш учун барча шарт-шароит муҳайё. Фақат иштиёқ билан ишлашимиз керак.

Йиғилиш иштирокчиси, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси Маҳаммаджон Рўзиқуловнинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда миллий ғоя ва қадриятлар тарғиботини янада кучайтириш зарур.

«Баркамол инсон — миллий истиқлол ғоясининг олий мақсади», «Ватан равнақи, юрт тинчлиги — халқ фаровонлигининг асоси» мавзуларида очиқ дарслар ташкил қилинса, янада яхши натижаларга эришилади

Қаршибой Эшназаров, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши раиси:

— Кўпгина савобли ишлар бошида касаба уюшмаси турганлиги кўнгилда фахр туйғуларини уйғотади, қолаверса, ходимларга кўрсатилаётган кўмак кўп ёки озлиги билан эмас, балки ўз вақтида амалга оширилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўтган йили ёзда таълим ва фан ходимлари фарзандларидан 386 нафари шаҳардан ташқаридаги оромгоҳларда дам олдирилди. Коллеж ва мактаблар қошида ташкил қилинган оромгоҳларда эса 1700 нафар кам таъминланган оила фарзандлари саломатлигини тиклади. Шу мақсадда касаба уюшмаси ҳисобидан 43 млн. 445 минг 800 сўм маблағ сарфланди.

Талабалар ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг бевосита ҳомийлиги туфайли 55 нафар талаба Тошкент вилоятидаги «Ботаника» сиҳатгоҳида анъанавий ўтказиладиган «Камолот» — келажак таянчи» қишки фаоллар мактабида ўзини-ўзи бошқариш, етакчилик қобилиятини шакллантириш сабоқларини олишаяпти. Ишончимиз комилки, улар эртага маънавий баркамол ёшларни вояга етказишга ҳисса қўшади.

Маҳаллалар билан ҳамкорлик ҳам самара бераяпти. Вилоятда фаолият кўрсатаётган 168 та маҳалла раисининг диний ва маънавий-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчиси билан «Оилада бола тарбиясининг илмий-педагогик асослари» мавзусида уюштирилган семинар ҳамон ёдимизда.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ҳозирча вилоятда фаолият кўрсатаётган 285 та маҳалланинг фақат 168 таси билан алоқа боғланган, холос. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бу кемтикни тўлдириш анжуманда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг туманлардаги фаоллари олдига долзарб вазифа қилиб қўйилди.

Талаба ва ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида «Фаол китобхон талаба» кўриги ташкил этилиб, унда Амир Темур, Навоий, Бобурга бағишланган иншолар, деворий газеталар танлови ғолибларидан 35 нафари тақдирланди.

Анжуманда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Оқолтин тумани бирлашган касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан тайёрланган «Касаба уюшма ташкилоти ва миллий ғоя тарғиботи» мавзусидаги кўргазмали плакат қатнашчиларга илғор тажриба сифатида намойиш қилинди.

Оқолтин туманида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар намунали йўлга қўйилганлиги ҳам алоҳида қайд этилди. Қўмита раиси Анвар Жавлоновнинг таъкидлашича, тумандаги 10-мактаб директори Ш.Йўлдошев ўзининг 200 дан ортиқ китобини мактаб кутубхонасига тортиқ қилган, 8-мактаб раҳбари У.Сайдалиев эса бюджетдан ташқари тушган маблағ ҳисобидан 250 минг сўмлик китоб олиб мактаб кутубхонасини бадиий асарлар билан бойитган. Бундай шахсий намуна ҳам қудратли маънавий аҳамиятга эга. Зеро, китоб бебаҳо бойлик, маънавият чашмасидир.

— Болалар спортини ривожлантириш, — дейди тумандаги 2-мактаб раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ойбек Раҳмонов, — юртимиз равнақи учун қўйилган ишончли пойдевордир. «Умид ниҳоллари-2009»нинг Сирдарё вилоятида ўтказилиши ўқувчиларимизни қувонтирмоқда. Айни кунда спорт тўгаракларида 447 нафар ўқувчи шуғулланаяпти. Ўтган йили Чирчиқда бўлиб ўтган мусобақаларда спортнинг енгил атлетика тури бўйича биринчи ўринни қўлга киритган 8-синф ўқувчиси Ҳабиба Эсиргаповага катта умид билан қараяпмиз.

Қолаверса, мактабимизнинг 8 - 9-синф ўқувчилари туман биринчилигида 1-ўринни эгаллаб, спортнинг 5 та тури бўйича вилоят босқичига йўлланма олди. Демак, республика босқичида ҳам совринли ўринларни қўлга киритишимизга умид бор.

Анжуман якунида Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини бажаришда алоҳида ўрнак кўрсатган 10 нафар бошланғич касаба уюшма қўмитасига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мухтасар қилиб айтганда, жамиятда маънавий-маърифий муҳит ҳукмрон бўлса, ҳар қандай жиноятчилик ва ёвузликка ўрин қолмайди. Маънавияти юксак, эътиқоди мустаҳкам, маърифатли шахс тарбияси касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналиши саналади. Миллий ғоя тарғиботига бағишланган йиғилиш зиммамизга катта масъулият юклаб, янада самаралироқ ишлашга даъват этди.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ, «Ishonch» мухбири

■ «Инсонга наф келтириш - олий бахт» танловига

Ишонч борки - таянч бор!

(Боши 1-бетда)

— Ҳеч эсимдан чиқмайди, — дейди ўша пайтдаги шаҳар ҳокими Шароф Тошев. — 1998 йили у эндигина марказий шифохонада бош врач лавозимида иш бошлаган пайтлари эди. Болалар бўлимини назорат қилаётиб Тоҳир ва Зуҳро деган эгизаклар хасталаниб, ажал билан олишиб ётганини кўриб қолди. Уларни дарддан фориғ этиш учун қон керак эди. Аксига олгандек оғир касаллар кўплиги сабаб захирадаги қон тугаган. Бундай пайтда ҳар лаҳза олтиндан қиммат. Ҳеч иккиланмай шу гўдакларга қон бериб, донорлик қилди. Ҳозир ҳам шу болаларни кўрсам унинг хизматлари зое кетмаганига амин бўламан.

Назаримда Аҳмад фақат шифокорлик учун яралганга ўхшайди. Бундай фикрга келишимга ундаги фидойилик, шифокоргагина хос бағрикенглик ва самимият сабаб.

Мактабда ўқиб юрган чоғида унинг орзуларини илк бора устози Вафо Сафаров қувватлади. Ўшанда севимли муаллими «Ўғлим, сен врач бўлишинг керак» деган эди. Қолаверса, қўшнилари, тиббиёт фанлари номзоди Абдураҳмон Маликов эришган ютуқлар, одамлар дардига малҳам бўлиши бу касбга меҳр уйғотди.

Фаолиятининг 20 йилини тиббиётнинг турли жабҳаларида раҳбарлик лавозимларида ўтказган А.Остонов ишда тартиб-интизомни, топширилган вазифани юракдан бажаришни талаб қилди. Лоқайдликни иллат деб билди. Касабақўм ҳақсизликни кўриб «Менга нима?» қабилида иш тутмади, муросага йўл қўймади. Ҳамиша одамлар ташвиши билан яшади, ходимлар ҳуқуқларининг ҳимоячиси сифатида раҳбарлар билан музокаралар олиб борди. Одамлар қалбига самимияти билан кириб борди. Натижада ҳамкасблари уни ўзларининг ишончли ҳимоячиси деб билди, бирор муаммога дуч келса аввал унга маслаҳат соладиган бўлишди.

Биргина мисол: туман марказий шифохонасининг жонлантириш бўлими мудири Замира Холиқова номаълум сабабларга кўра вазифасидан озод қилинади. Касаба уюшма қўмитасининг уни ўз ишига тиклаш учун қилган барча ҳаракати инобатга олинмади. Натижада, ушбу масала суд-ҳуқуқ органларигача етиб борди. Касаба уюшма қўмитаси раисининг аралашуви билан ҳақиқат қарор топди. Замира Холиқова суднинг қарори билан ишига тикланди. Унга мажбурий ишга чиқмаган кунлари учун 270 минг сўм ва маънавий зарар учун 470 минг сўм ундириб берилди.

Авваламбор, у ижтимоий шерикчилик тамойилига асосан жамоа шартномасини қайта кўриб чиқиш ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишни тиббиёт бирлашмаси бош врачи Ибодулло Неъматов билан биргаликда ҳал этишга киришди.

Натижа чакки бўлмади, 126 нафар ёш болали аёл қисқартирилган иш соатлари билан таъминланди. 121 нафар аёлга меҳнат таътилига қўшимча 3 кун қўшиб берилди. 46 нафар пенсионер аёлнинг юз фоиз пенсия ва тўлиқ ойлик маош олишини таъминлади.

Оғир шароитда ишловчи ходимларни сут-қатиқ, махсус кийим, совун ва дезинфекция воситалари билан таъминлаш йўлга қўйилди, бунинг учун 3,4 млн. сўм харажат қилинди.

Кам таъминланган ходимларга моддий мадад бериш, пенсионерлар, ногирон ва беморлар касабақўм назаридан четда қолмади. Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни арафасида тармоқ ходимлари ўртасида катта спорт анжуманини ўтказиш анъанага айланди.

Мухтасар қилиб айтганда, ўз касбининг ҳақиқий жонкуяри А.Остонов тўғрисида кўп ва хўп гапириш мумкин. Унинг эзгуликка йўғрилган ишлари ҳар жиҳатдан ибратлидир. «Инсонга наф келтириш — олий бахт» шиорини дастуриламал қилиб олган бу сардор доимо изланишда. Касаба уюшмалари тизимида шундай меҳр-оқибатли фидойилар бор экан, эл ичида ташкилотимиз обрўси янада ошиб бораверади.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши раиси

■ Бирни кўриб шукр қил, бирни кўриб фикр қил!

Камалакдек товланиб турувчи ипак билан кашта тикишни қайси хотин-қиз орзу қилмайди дейсиз? Буюм тайёр бўлгунича бир неча жараён босиб ўтилади. Дастлаб ипакнинг сифатига қараб йигирилгач, бўёқдан чиқарилади. Чевар қизларнинг нозик ва эпчил бармоқлари бир дам ҳам тўхтамай нақшларга жило беради. Тинимсиз меҳнат ва изланиш жараёнида буюм секин-аста янгича кўриниш ола бошлайди. Унда тикувчининг ички дунёси, самимийлиги ва фидойилиги мужассамлашади.

Ҳунармандлар шуҳрати

Бундан олти йил муқаддам «Фориш-текстил» хусусий саноат корхонасининг ташкил этилиши ҳунарманд Бозоргул Тўраеванинг дадил қадамларидан бири бўлди. Қишлоқ қизлари мўъжазгина хонада халқ ҳунармандчилигини давом эттириб каштачилик билан машғул бўлаётганлиги қишлоқ аҳлини хурсанд қилди.

Бозоргул 1982 йил ҳозирги Жиззах қишлоқ хўжалик коллежини бухгалтерлик мутахассислиги бўйича тамомлаб, бир неча йил «Фориш жуни» давлат кичик корхонасида бош ҳисобчи лавозимида фаолият кўрсатди. Тажриба орттирди. Ниҳоят, туманнинг асосий ишлаб чиқариш тармоғи чорвачилик бўлганлиги учун қўй-эчкилар жунини қайта ишлаш, гилам тўқишни йўлга қўйиш мақсадида кичик корхона очишга аҳд қилди.

Гилам тўқиш учун зарур дастгоҳлар олиб келиниб ҳунармандчилик фаолиятини бошлади. Дастлаб тўрт нафар ишчи-хизматчи билан иш бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб, улар сони 18 нафарни ташкил этади. Кичик жамоа биргина ўтган йилда 32,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 47,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 8,4 миллион сўм соф фойда олинди. Бу ютуқларнинг қўлга киритилишида Феруза Аҳмедова, Моҳира Умарова, Олим Намозов, Шокир Синдоров каби ишчи-хизматчиларнинг ҳиссалари катта бўлди.

«Фориш-текстил» хусусий корхонаси эришган фойда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги асбоб-ускуналар сотиб олиш ҳамда кам таъминланган оилаларга ҳомийлик кўрсатиш учун сарфланди. Учма, Осмонсой, Каттақишлоқ каби чекка қишлоқларда тикиш-бичиш, зардўзлик ва гилам тўқиш бўйича курс ташкил этилиб, 60 га яқин қўшимча иш ўринлари вужудга келди.

Тиниб-тинчимас ҳунарманд Б.Тўраева 2006 йилдан бошлаб вилоят ва туман кўрик-танловларида қатнашиб, миллий ҳунармандчилигимизни кенг ёйишга ҳисса қўшиб келапти. У ўтган йилнинг март ойида вилоят ҳокимлиги соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2008» кўрик-танловининг «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича ғолиб бўлиб, биринчи даражали диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди ва кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этишга муваффақ бўлди. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Бу эл-юрт назарида бўлган ҳунарманд аёл меҳнатига берилган юксак баҳодир.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида фуқароларимизнинг мамлакат ҳудудидан ташқарида меҳнат қилиш, мустақил иш қидириш ва ишга жойлашиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Демак, юртдошларимиз қонун доирасида мамлакатимиз ва чет эл ҳудудида меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Лекин ўйламай қўйилган ҳар бир қадам ташвиш келтирганидек, ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни яхши билмас эканмиз, бошимиз ташвишдан чиқмайди.

Агар огоҳсен...

Қиғир ишларни амалга ошириш орқали бойлик орттириш, очкўзлик кишини доим фалокат ёқасига олиб келган. Қонунларимизда қораланган жиноятлар қаторидан бугун одам савдоси ҳам ўрин олган. Чунки бу иш айрим шахсларнинг бизнесига айланган. У бир-икки киши ёки биргина мамлакат доирасида амалга оширилмайди. Энг даҳшатлиси ҳам шунда.

Урганчлик Р. исмли аёл ёлғиз ўғлига Россияда ишлаб келиши учун рухсат берганида хаёлига ёмон фикрлар келмаганди. Фарзандига «қурилишда ишлайсан, иш тайин, йўлкирангни ўзимиз бериб турамиз, биринчи маошингда қайтарасан» деганларида она-бола лаққа ишонишди. Ахир ўн нафар йигит паспортини қўшқўллаб тутқазиб турганда ишонмай бўларканми? Ҳа, фирибгарларнинг йўли шу экан. Уч ой ўтиб ўғилнинг қўнғироғидан она даҳшатга тушди. Волгоград вилояти Дубовский районига қурилишга деб олиб кетилган йигитлар оғир меҳнатга жалб қилиниб, ўлиб қолмаслиги учунгина овқат берилган, холос. Йигитлар эрксизликда яшаб, нима иш буюришса, сўзсиз итоат қилишган.

Она нажот истаб кўп жойларга мурожаат қилди. Бир куни қўлига тушиб қолган «Долзарб алоқа телефони» унда умид уйғотди: вилоят «Истиқболли авлод» аёллар ахборот-маърифат марказига қўнғироқ қилди. Ўғлини узоққа жўнатиб бағри қон бўлган онанинг илтимоси ерда қолмади. Тошкент ва Россиядаги ҳамкорлар кўмаги билан ўғил ватанига қайтиб келди. Орадан ўтган олти ой йигитнинг қаддини буккан ва анчайин толиқтириб қўйганди. Юрак-бағри минг пора бўлган она ўғлини кўриб, таний олмади. Чунки у ниҳоятда озиб кетганди...

Яна бир аянчли воқеа: Роза опа бирданига икки ўғлини Волгоградга ишга жўнатди. Қўшни маҳалладаги таниши илгарилари ҳам йигитларни Россияга олиб кетиб, кўпгина оилаларга ёрдам берганини эшитганди. Ўғилларини унга ишониб топширди. Йўл ҳақини ҳам ўзи топди. Куч-қувватга тўлган болалари онасидан жуда хурсанд эдилар. «Қўза кунда эмас, кунида синади» дейишади. Хушхабар келармикан деб узоқ кутган она бир куни тошдек қотиб қолди: болалари қулликка тушиб қолганди. Енг шимариб, қариндош-уруғлардан қарз олиб пул тўплади-да, Россияга жўнади. Йўл азоби - гўр азоби. Умрида остона ҳатлаб кўчага чиқмаган аёл учун бу йўллар қанчалик оғир бўлмасин, фарзанд дийдори азиз эди. Она борганида катта хўжайин - ер эгаси қайрилиб ҳам қарамади. Бу йигитлар учун катта пул берганини, ана шу қарзларини ўтамагунча уларни қўйиб юбормаслигини айтди. Агар ўшанда Роза опанинг қўлида пул бўлганида болаларини «сотиб олган» бўлармиди?

Аёл қўшни хўжаликда бир иш топди-да, болаларини қарамликдан қутқариш учун кеча-кундуз меҳнат қилди. Топган пули бир боласини «бўшатиш»га етгач, уни қайтариб олди. Катта ўғли эса «Онажон, сиз укамни олиб, уйга қайтинг, худо хоҳласа ўзим орқаларингиздан етиб бораман» дея далда берди. Халос бўлишига бир муддат қолган эди. Бироқ она бу гаплар билан таскин топармиди? Кичик ўғли билан яна ишлаб, пул топишди. Орадан олти ойдан ортиқ вақт ўтди. Аёл ҳар куни хўжайинга ёлвориб келарди. Бироқ «ишчи кучи учун анча пул сарфлаб қўйган» ер эгаси унга жавоб беравермади. Ниҳоят топган пулларини тағин хўжайинга бериб, уйга қайтишди. Роза опанинг кўзи орқада қолди. У озиб, кўзлари ичига ботиб кетган ҳолда кичик ўғли билан уйга қайтиб келди. Уч ойлардан сўнг катта ўғил ҳам озод бўлди...

Ҳа, бундай мисолларни, афсуски, хоҳлаганча келтириш мумкин. Бугун фирибгарлар қўлига тушиб, азият чекаётганлар кўп. Эҳтимол, бугун мамлакатимизда бой-бадавлат ҳаёт кечириш учун етарли маблағ ишлаб топиш имкони камдир, бироқ инсон ҳаёти синовларга тўла эмасми? Муаммолар - муаккат. Шундай экан, чет элда ишлаб пул топишни мақсад қилган ватандошларимизга қарата бир сўз айтамиз: огоҳ бўлинг! Алдовга учиб, қулликка тушиб қолманг!

Дилбар БЕКЖОНОВА,
журналист

■ Ватан остонадан бошланади

Қизилтоғ Красногорск эди

Қизилтоғни кўрганмисиз? Ажабланишингиз табиий... Лекин Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги тоғлар қизил тошлар билан товланиб туради. Улар оддий тош бўлиб қолмай, қимматбаҳо ҳам. Шу билан биргаликда, тошлардан қурилиш-саноат ишларида ҳам унумли фойдаланилган.

Геологлар 1939 йил Тошкент вилояти Ангрен шаҳрига қарашли Чаулисой тоғларида қимматбаҳо маъданлар борлигини аниқлашади. Улар тоғ қизғиш рангда эканлигини кўриб, «красные горы», яъни «қизил тоғ» дея ном беришган. Шахтада маъдан қазиш ишларига жалб қилинган барча мутахассис ва ишчиларга доимий яшаш учун тоғнинг текислик жойидан қўрғон қуришга жой ажратилади. У ерда кўп қаватли уйлар, маданий-маиший муассасалар, мактаблар, касалхоналар қурилади. Қўрғон ҳам Красногорск дея аталган. Шу ҳақда қўрғондаги Толбулоқ маҳалласида яшовчи Мирали бува Жумақулов билан суҳбатлашдик. 85 ёшни қоралаётган Мирали бува Қизилтоғ ҳақида билганларини сўзлаб берди:

— Юқори қисми Тян-Шань, Чотқол тизма тоғлари билан туташ Қизилтоғ дастлаб Чаулисой дея номланган. Колхозлаштириш даврига қадар Оҳангарон туманининг Облиқ қишлоғига қарашли бўлган. 1930 йилда Чаулисойда «Ленинизм» колхози ташкил қилинади. Колхоз чорвачилик ва ламмикор ғаллачилик билан шуғулланган. 1940 - 1941-йиллардан бошлаб Чаулисойда Чеборчат шахтасини очиб, уран, алюминий каби маъданлар қазиб олина бошланди. Уруш даврида ҳам кон бир маромда ишлаган. 1953 йилдан бошлаб Россиядан янги асбоб-ускуналар олиб келиниб, маъдан қазиш ишлари янада кучайтирилади. Шахтанинг ҳисоб-китоблари Янгиободга, Янгиободдан Ленинобод (Тожикистоннинг ҳозирги Хўжанд шаҳри)га, ундан Москвага бериб турилган. 1990 йилдан бошлаб Чаулисойда маъдан қазиш ишлари тўхтатилади.



1950 йилларда кичик-кичик колхозлар бирлаштирилиб, йирик колхозлар ташкил қилинади. Чаулисойдаги «Ленинизм» колхози ҳам тугатилиб, бошқа колхозга қўшиб юборилади, аҳолиси эса Бўка туманига кўчирилади. Кейинчалик Ильич, Мичурин номли колхозлардан, сўнг Бўкадаги баъзи чаулисойликлар Оҳангарон туманининг Дўстлик, Янги ҳаёт маҳаллаларига кўчиб келишади.

Суҳбатимиз якунида Мирали бува Қизилтоғ қўрғонининг истиқболи ҳақида умидбахш фикрлар билдирди.

Раҳматли Дарҳонбой бувам «Худонинг қудратини кўраман десанг, тоққа чиқ» деб кўп айтарди. Дарҳақиқат, қуёшнинг нурида қизғиш рангда товланиб турган тоққа боқар экансиз, кўзингиз қувонади.

Улдона АБДУЖАББОР қизи

Ўзингга маҳкам бўл, қўшнингни ўғри тутма

«РИА Новости»нинг хабар беришича, шанба куни кечқурун Тула вилоятида «Дон» федерал автомобил йўлининг 267-километрида Россиянинг охирги ўн йиллик тарихидаги энг йирик талончилик содир этилган. 7 та жиноятчи «Жигули» ва «Соболь» машиналарида «Первый процессинговый банк» МЧЖнинг машинасига ҳужум қилиб, ҳайдовчи ва кассирдан 43 млн. рубл-дан кўпроқ пулни тортиб олишган.

Жиноятчиларни ушлаш учун Марказий федерал округнинг олти вилояти — Тула, шунингдек, у билан чегарадош Москва, Калуга, Липецк, Рязан ва Орёл вилоятларида «Перехват» («Тутиш») плани жорий этилди.

19 минг киши ишдан бўшайди



Катталиги жиҳатидан дунёда иккинчи ўринда турувчи «Anglo Amerecan» (Буюкбритания) кончилик компанияси жорий йилнинг охиригача ходимларининг деярли 10 фоизи — 19 минг кишини ишдан бўшатишини маълум қилди. Бунга сабаб жаҳон иқтисодий инқирози туфайли 2008 йили компаниянинг соф фойдаси 28,6 фоиз қисқариб, 5 млрд 215 млн. долларни ташкил этганлигидир.

Ходимлар сонини қисқартириш «Anglo Amerecan»нинг харажатларни камайтириш дастурида кўзда тутилган босқичлардан биридир. Активларни реструктуризация қилишни ҳам ўз ичига олувчи ушбу дастур ҳисобига компания 2009 — 2011-йиллари 2 млрд. долларга яқин маблағни тежаб қолмоқчи.

Кондаги фожиа

21 феврал куни кечаси Хитойнинг Танюан шаҳри яқинидаги кўмир шахтасида портлаш юз бериб, 74 киши ҳалок бўлди. 114 киши турли даражада жароҳатланиб касалхонага ётқизилди. Улардан 5 нафарининг аҳволи ниҳоятда оғир.

Шу муносабат билан шахта директори, бош инженер ва хавфсизлик учун масъул бўлган менежер ишдан бўшатилди.

Меҳнат хавфсизлиги бўйича давлат қўмитаси директори Ло Лин ушбу ҳодиса юзасидан ўтказиладиган текшириш ишларига масъул этиб тайинланди.

Жанубликларнинг баёноти

Шимолий Корея ўрта масофага учувчи ракета комплексларини кенгайтиришни тугатди ва ўз армиясини 1,2 млн. кишига етказди. AFP агентлигининг хабар беришича, бу ҳақда Жанубий Корея Мудофаа вазирлиги маълум қилган.

Жанубликларнинг фикрига кўра, КХДР армиясидаги ракеталар 650 километрга етган жанговар каллакларни таший олади ва 3 минг км. узоқликдаги нишонларни йўқ қилиш қудратига эга. Мамлакат ҳудудига тезлик билан бостириб киришга тайёрланган махсус отрядлардаги аскарлар сони эса бир ярим баробар кўпайтирилиб, 180 минг кишига етган. Шу боис вазирликнинг баёнотида Шимолий Корея Жанубий Корея хавфсизлигига «бевосита ва жиддий хавф» солаётганлиги таъкидланган ва хавфсизлик чораларини кўришга киришилган.

1953 йилдан бери икки давлат расман уруш ҳолатида бўлиб, 2009 йил 30 январ куни Шимолий Корея Жанубий Корея билан шу пайтгача имзоланган барча тинчлик битимларини бир томонлама бекор қилган эди.

Ким, қачон, қаерда?

«Associated Press» агентлиги тарқатган хабарга кўра, Колумбия бош прокурори Марио Игуаран якшанба куни Хавфсизлик маъмурий департаменти (DAS)да текшириш ўтказишга рухсат берган. Бунга DAS агентлари баъзи журналистлар, судялар ва мухолиф сиёсатчилар устидан ноқонуний кузатув ўрнатганлиги сабаб бўлган. Ҳатто мамлакат президенти ҳам уларнинг «эътиборидан четда қолмаган».

Ички ишлар вазири Фабио Валенсиянинг гапига кўра, DAS агентлари президентнинг бир нечта яқин маслаҳатчиси ва шахсий котибининг ҳар бир қадамини кузатиб боришган.

DAS штаб-квартирасида ўтказилган текшириш натижаси ҳозирча ошкор қилинмаяпти.

Таъкидлаш жоизки, бу Колумбия махсус хизмати билан боғлиқ биринчи можаро эмас. DASнинг аввалги раҳбарининг ишдан кетишига мухолифатчи сенатор Густаво Петро DAS агентлари уни ноқонуний равишда кузатувга олганини исботлаб бергани сабаб бўлган эди.

Интернет хабарлари асосида
Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади

Тошкент Ахборот Технологиялари университети талабаси Сиддиқов Бобур Тохирович номига 16.10.2004 йилда берилган №04Т023 рақамли Рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**



Бўёқдаги эртаклар

Шу йилнинг 20 феврал куни Ўзбекистон бадиий академияси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида Бадиий кўргазмалар дирекцияси марказий кўргазмалар залида график рассом Ҳусан Содиқовнинг «Эртаклар салтанатига саёҳат» номли шахсий кўргазмаси очилди.

Унда рассомнинг 200 га яқин ўзбек, дания, рус, беларус халқ эртакларига ишланган асарлари намойиш этилди.

— Ҳусан Содиқов асарлари болалар дунёсига яқинлиги, миллий руҳни акс эттириши билан ажралиб туради, — дейди «Муштум» журнали бош муҳаррири Носир Тошматов. — У серқирра ижодкор, турли байрамларда панноларни бадиий безаш билан ҳам шуғулланади. Бир неча бор Жанубий Корея, Япония, Хитой, Туркия, Италия, Руминия, Исроил, Франция, Гонконгдаги танловларда иштирок этиб, совриндор бўлган. 5000 дан зиёд карикатураси ҳам алоҳида қиммат-га эга. Унга омад тилаймиз.

Кўргазма 3 мартгача давом этади.

Улдона АБДУРАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



Бахшилар хазинаси

Куй жўрлигида қўшиқ айтиш қай тариқа ва қачон пайдо бўлгани номаълум. Эҳтимол, инсоният тарихида илк ҳофизлар бахши бўлишгандир. Бахши сўзининг устоз-маърифатчи маъносини англатиши ҳам шундандир.

Қадимдан халқимизнинг тўй-томошалари бахшисиз ўтмаган. Улар достон аввалида тингловчининг кайфиятига қараганлар, авжида эса руҳиятини бошқара билганлар. Бахшиларнинг ижрочилик анъаналари ва достонлар руҳияти ўртасидаги тафовут достончилик мактабларининг ўзига хослигини таъминлаган.

Булунғур достончилик мактаби вакиллари қаҳрамонлик достонлари билан танилганлар. «Алпомиш» достони ушбу мактаб вакили Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган. Шаҳрисабз достончилик мактабида шўх, кўтаринки руҳда айтиш анъана бўлса, Қўрғон достончилик мактаби ўзига хос лирикаси, чиройли тасвирлари билан бошқалардан фарқ қилган. Шеробод, Қамай, Нарпай, Деҳқонобод, Хоразм каби ўз услубига эга бўлган достончилик мактаблари бугун ҳам анъаналарини давом эттирмоқда.

Бахшилар фавқулодда хотира қудратига эга бўлиб, Пўлкан шоир олтмишдан ортиқ достонни ёддан куйлаган, ҳар бир достон икки-уч минг сатрдан тортиб, ўн-ўн беш минг мисрагача етишини ҳисобга олсак, уларнинг қувваи ҳофизасига қойил қолиш керак.

Агар бугунги аудио-видео кассеталари ёнида бахшиларнинг ҳам ижод намуналари жой олса, ишонаманки, юртдошларимиз ва юртимизга ташриф буюрган меҳмонни бефарқ қолдирмайди. Зеро, бахши куйлаётган достон халқимизнинг неча минг йиллик тарихи, маънавий-маърифий қиёфаси, ахлоқий-эстетик қарашлари, ватанпарварлик, озодлик ва тинчлик ҳақидаги ҳаётий ўгитларини ўзида мужассам этган.

Шавкат НУРОВ,
ЎзМУ талабаси

Бўри суяси

Ҳайвонот оламида ҳам гўша тушунчаси мавжуд. Айниқса, бўрилар ўз хонадони бўлмиш уяларига чексиз меҳрли бўлишади. Бу ерга бирон-бир бегона қадам босишини исташмайди.

Энг қизиғи, хавф таҳдид солаётган чоғларда улар сира уяларига кириб бекинишмасдан, аксинча, хатарни бу гўшадан олисроққа даф қилиш пайида бўлишади.

Оқтов этагида катта чорбоғ дарасида истиқомат қилувчи Бекмирза Ҳамроев шу дара тепасидаги бўри уясини обдон ўрганган. Табиат шайдосининг эътирофича, бўриларнинг ҳатто ёзги «дала ҳовли»си ҳам бўларкан.

— Дарадаги жойлар болалигимиздан яхши таниш, — дейди Бекмирза Ҳамроев.— Отамиз чўпон ўтган. Шу боис қишлоқдан анча олисдаги серсув дарани макон тутган. Биз ҳам шу ерда улғайдик. Бўрилар билан ёнма-ён яшаш одам табиатига хос ҳадиксираш ҳисларини йўқотиб юбораркан. Бўрилар овда чоғи бир неча бор уясига кириб чиққанман.

Қизил қояда бир тўдаси яшарди. Улар хонадонига кўз ташлашни ёшликдан истардим. Бу қизиқиш сира сўнмади. Кўп йиллар кузатдим. Бўриларнинг овдан қайтиш йўли биз яшайдиган жойдан кўриниб туради. Улар шундай жониворки, унга зарар етказмаганга тегмайди. Ўттиз-қирқ йилдирки, яхши қўшничилик қилиб келамиз. Ҳали бирор маротаба бизга зарари тегмади. Тўғри, гоҳ-гоҳо хонадонимиз тепасидаги дўнгларда чўнқайиб ўтирганини кўрганда кўнглимиз хижил тортади. Қора молу ушоқ молларда бесаранжомлик сезилади. Аммо зиён-заҳмат етказмайди. Отамиз раҳматли ҳеч маҳал бўри билан ғашиқмасликни бот-бот уқтирарди. Бу ақидага доимо амал қиламиз.

Қизиқиш устун келиб, ёз кунларининг бирида бўриларнинг қишки уяси томон йўлга тушдим. Иссиқда улар «дала ҳовли»ларида бўлишини билардим. Уя оғзи думалоқ, одам бемалол эмаклаб кира олади. Ҳар эҳтимолга қарши болта олиб олганман. Ичкарига бир ярим-икки метрлар чамаси йўлакдан эмаклаб кириб бордим. Эни ва бўйига икки ярим метрлар чамаси чоғроққина хонани эслатувчи жойдан чиқдим. Бу ер қум билан анча қўтарилган супага ўхшайди. Ғажилган суяк ва терилардан асар ҳам йўқ. Озода, қаердандир ҳуриллаб шамол эсиб турибди. Афтидан бўрилар озодаликни ўта хуш кўрувчи жонивор бўлса керак. Демак, улар ўлжаларини инларида тановул қилмас экан. Уядан фақат ҳордиқ олиш, урчиш учун фойдаланади, чамаси. Уянинг бир чеккасида баландлиги ярим метрлар туртиб чиққан тошга кўзим тушди. Унинг ортида ҳам жой бор. Афтидан бу ер туғруқ ва болаларни сақлаш жойи бўлса керак. Катталар сафардалигида жажжи болалари махсус ана шу катакда сақланади, шекилли.

Бўриларнинг Қуён ўлди дарасидаги ёзги уясини ҳам кўздан кечирганман. Қалин қичитқи, маймунжон билан қопланган ўнгирда уя бор. Унча-мунча одам бу ерни пайқай олмайди. Ана шу тўқайни ҳам бўрилар ўзларига бошпана қилиб олишган. Тушиб бориш ўта мушкул бўлган зовга улар осонгина эниб кетишади. Ана шу чуқурликда мўъжаз супача бор. Унинг этагидан жилдираб сув оқиб ўтади. Ўта баҳаво жой. Ажабланарлиси, бу ердаги ўтлар орасидан даранинг ҳамма томони ойнадек кўриниб тураркан. Ўнгир тепасидан қаралса ҳам бўриларни пайқаш қийин. Жониворнинг уя танлашдаги усталигидан ёқа ушлайсан, киши.

Қўшон ака деган чўпон ўтган. Раҳматли ўта бақувват бўлган. Бир гал сурувига ҳужум қилган бўрилар изидан тушиб уясигача боради. Мол аччиғи - жон аччиғи, деганларидек, катта тошлар билан уя оғзини беркитиб ташлайди. Ана шундан сўнг бўрилар у билан ғашлашади. Унинг қўтонига тез-тез ҳужум қилишади. То қартайиб қўй боқишга кучи қолмагунча бўрилар таъқибидан қутула олмайди. Бу жонивор ёмонликни сира эсдан чиқармайди.

Табиатдаги ғаройиб махлуқот бўлган бўриларнинг танти-мардлигига тан бермай иложингиз йўқ.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Таэквондо WTF

Ўзбекистон таэквондо WTF Ассоциацияси спортчи ва мураббийларнинг малакасини оширишга катта эътибор қаратаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Ҳар йили хорижлик мутахассислар юртимизга ташриф буюради, терма жамоамиз таэквондо ватани бўлмиш Жанубий Кореяда ўқув-машғулот йиғини ўтказади. Шу боисдан, мамлакатимизда спортнинг таэквондо WTF тури билан шуғулланувчилар сони сезиларли равишда ўсиб бормоқда.

«Юртингизга яна келаман»

20 феврал куни Бутунжаҳон таэквондо WTF федерациясининг тўрт нафар мутахассиси қарийб бир ой давом этган ўқув-машғулот семинарларига якун ясашди. Ким Сонг Минг, Им Пён Уан, И Кик Лак ва Со Е Уан — тўрталаси ҳам қора белбоғ 4-Дан соҳиби.

Пойтахтимиздаги Давлат солиқ қўмитасига қарашли «Солиқчи» спорт мажмуасида бўлиб, ўқув семинарларини кузатдик. Меҳмонлар билан суҳбатлашдик.

— Мураббийларингизнинг имконияти юқори, — дейди Ким Сонг Минг. — Машғулот ўтиш услублари, техник ва тактик салоҳияти бизда яхши таассурот қолдирди. Спортчиларингизда ҳам янги билимларга иштиёқ кучли.

— 2008 йилги Пекин Олимпиадасида иштирок этган уч нафар таэквондочимиз сизнинг семинарларингизда қатнашди. Улар ҳақида нима дея оласиз?

— Дарҳақиқат, уларнинг маҳоратига кўра бошқалардан ажралиб туришини кузатиш мумкин. Акмал Эргашев, Евгения Каримова, Дмитрий Кимнинг ғалабали онлари ҳали олдинда.

— Спортчиларимиз «Лондон-2012» шиори остида XXX Олимпиадага тайёргарликни бошлаб юборишди. Уларнинг имкониятини қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон таэквондо WTF Ассоциацияси раҳбарлари кенг кўламдаги ишларни амалга ошираётгани қувонарли. Спортчилар кўплаб халқаро турнирларда қатнашиб, маҳоратини ошириб бормоқда ва бу Олимпиадада ҳам муносиб натижалар қайд этилишига сабаб бўлади, деб ўйлайман. Бутунжаҳон таэквондо WTF федерациясининг спорт турини янада ривожлантириш дастурига кўра, кўплаб мамлакатларда бўлганман. Лекин юртингизда спортга, хусусан, таэквондога бўлган қизиқиш юқорилигини кўриб, яна бу ерга келиш истаги туғилди.

Биз фурсатдан фойдаланиб, ўзбекистонлик мутахассисларнинг ҳам кореяликлар иштирокидаги ўқув-семинарлар ҳақида фикрларини сўрадик.

Аълам Муллаев, Ўзбекистон таэквондо WTF Ассоциацияси раиси:

— Бу каби семинарларни ташкил қилиш режаларимиз кўп ҳамда улар халқаро майдондаги натижаларимизнинг ўсишига катта ҳисса қўшади. Бутунжаҳон таэквондо WTF федерациясининг тўрт нафар мутахассиси ўтказган семинарларда барча вилоятларимиздан спортчи ва мураббийларнинг қатнашиши кўзда тутилганди. Биз бунга эришдик. Меҳмонлар нафақат спарринг (жанг) бўйича, балки «пумси» (ката) йўналишида ҳам дарслар ўтди. Бир сўз билан айтганда, Бутунжаҳон таэквондо WTF федерацияси мутахассислари иштирокидаги семинарлар жуда самарали ўтди.

Александр Ким, Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи:

— Меҳмонлар спортчилар ва мураббийларимиз билан ишлаш ёқиб қолганини кўп бора таъкидлашди. Биз ҳам корейс таэквондо усталари сабаб тажрибамизни оширдик. Баъзи камчиликларимизни ҳам билиб олдик.

Бобур Кўзиев, Ассоциация вице-президенти:

— Маълумки, 2012 йил Лондонда ўтадиган ёзги Олимпия ўйинларида таэквондо бўйича электрон протекторлар (ҳимоя воситалари) қўлланади. Шунинг учун спорт тури қоидаларида ҳам янгиликлар бор. Корейс мутахассислари бизни ушбу қоидалар билан яқиндан таништиришди. Бинобарин, ички республика мусобақаларини ҳам янги қоидалар асосида ўтказишни бошлаймиз.

Шарафиддин Джулбеков, Сирдарё вилоят таэквондо WTF федерацияси раиси:

— Республика таэквондо WTF Ассоциацияси томонидан ташкил этилган семинарнинг бошидан охиригача қатнашдим. Корейс меҳмонлар сафарлари давомида икки кун Сирдарё шаҳрида ҳам бўлиб, маҳаллий спортчи ва мураббийларга дарс ўтишди. Спорт тури билан шуғулланишни яқинда бошлаганлар, фаолиятини давом эттираётганлар, йўриқчи ва мураббийларимиз, барча-барчасига семинарда қатнашиши учун эшиклар очиқ эди. Барчамиз ўзимизга керакли янгича услубиятлар билан танишдик.

Тўрт йиллик Олимпиада циклини мамлакатимиз таэквондо (WTF) усталари муваффақият билан бошлашди.

Америкадан медаллар билан

Яқинда Америка қўшма штатларининг Лас-Вегас шаҳрида «А» тоифадаги спортчилар ўртасида ўтган халқаро турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари яхши натижага эришишди.

Дунёнинг 40 дан ошиқ давлат вакиллари қатнашган ушбу нуфузли турнирда ўзбекистонлик Лазиз Эрматов ва Александр Лим ўз вазн тоифаларида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади. Ғалабамиз шарафига олис океан ортида икки бор Ўзбекистон мадҳияси янгради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ушбу халқаро турнирда ўзбекистонлик ҳакамлар ҳам мусобақаларни бошқаришди. Бу эса ҳакамларимизнинг халқаро майдонлардаги фаолиятига йўл очилаётганидан даракдир.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Инсонга наф келтириш. O'K.U.F. F.T.U.U. Олий бахт

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-03-90

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: T.Shernayev
Navbatchi: A. Abdullayev
Musahhih: N.Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h)- Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 20.30

Буюртма Г — 114

20559 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2 5 6